

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРИДА ПОЧТА ВА ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА ХАРАЖАТЛАРИНИ УНДИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Жасур Нуриддинов
Jasur_Nuriddin@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларида почта ва видеоконференцалоқа харажатларини ундиришнинг аҳамияти, назарий-ҳуқуқий асослари ва ўзига хос жиҳатлари, миллий қонунчиликда акс эттирилиши ҳамда айрим концептуал масалалар, ўзига хос жиҳатлари ва чалкашликлар, уларга ечим сифатида таклиф-тавсиялар хусусида фикр юритилади.

Калит сўзлар: суд харажатлари, почта харажатлари, .

I. Кириш қисм

Иқтисодий судларга ариза билан мурожаат қилишда суд харажатларини тўлаш мажбурий бўлиб, тўламаганлик ёки лозим даражада тўламаганлик аризаларни қайтаришга сабаб бўлади. Бироқ, ушбу харажатларни тўлаш тартиблари ва миқдорларидаги чалкашликлар бир қатор муаммоларни юзага келтиради. Ушбу мақола мазкур муаммоларни тадқиқ қилишга қаратилган.

II. Методология

Тадқиқотнинг методологик асосини умумий мантиқий усуллар (таҳлил ва синтез, диалектик, умумлаштириш, аналогия, мавҳумдан конкретга ва конкретдан мавҳумга ўтиш), эмпирик тадқиқот усуллари (таққослаш, гуруҳларга тақсимлаш) ва алоҳида илмий усуллар (формал-юримдик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий) ҳамда илмий билишнинг бошқа усулларидадан фойдаланилди.

III. Натижалар

Иқтисодий судларда суд харажатларини ундиришнинг ҳуқуқий табиати таҳлил қилинади. Натижада ушбу объект билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи, қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам берадиган таклифлар ишлаб чиқилади.

IV. Муҳокама қисми

Ҳужжатларни юбориш билан боғлиқ почта харажатларининг миқдори суд томонидан белгиланиши ИПК 116-моддасида келтириб ўтилган. Бунда почта харажатларининг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг ўндан бир қисмидан ошмаслиги кераклиги ва даъво аризаси (ариза, шикоят) берувчи шахс томонидан суднинг депозит ҳисобварағига киритилиши лозимлиги белгилаб ўтилган.

Почта харажатларининг суммасини судларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари билан белгилаш амалиёти йўлга қўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018-йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига одил судловни амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ-496-сонли Қонунда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ҳақида”ги РС-59-18-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорнинг 3-банди билан иқтисодий судларга суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилинганда базавий ҳисоблаш миқдорининг беш фоизи миқдорида, бошқа барча ишлар бўйича ариза, даъво аризаси ва суд ҳужжатлари янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилинганда ҳамда суд ҳужжатлари устидан апелляция, кассация ва тафтиш тартибида шикоятлар берилганда базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз фоизи миқдорида почта харажатлари тўланиши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, мазкур қарорнинг 4-банди билан барча судларда ишларни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш фоизи миқдорида тўланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Раёсатининг 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 25 октябрдаги РС-59-18-сонли қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги РС-71-22-сонли қарори билан почта харажатларининг миқдorigа ўзгартириш киритилиб, почта харажатларининг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизи миқдорида этиб белгиланди. Видеоконференцалоқа харажатлари базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш фоизи миқдорида ўзгаришсиз қолдирилди.

Суд харажатлари миқдорининг Олий суд Раёсати қарорлари асосида белгиланиши судга мурожаат қилишда бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Биринчидан, раёсат қарорлари суднинг ички тизимида хизмат доирасида фойдаланиш учун чиқарилади. Шу сабабли, раёсат қарорларини суд тизимида алоқадор бўлмаган шахсларнинг олиш имконияти мавжуд эмас. Раёсат қарорлари Пленум қарорларидан фарқли равишда электрон манбаларда (масалан lex.uz, норма.uz ва бошқалар) нашр қилинмайди.

Судга ариза билан мурожаат қилувчи шахслар почта харажатларининг миқдори аниқ бирор норматив ҳужжат билан белгиланмаганлиги, ёки очиқ маълумотлар базасида келтирилмаганлиги сабабли почта харажатларининг миқдори қайси асосга кўра қанча миқдорда белгиланганлиги тўғрисида кўп ҳолатларда маълумотга эга бўлмайдилар.

Шу сабабдан, судга ариза билан мурожаат қилмоқчи бўлган шахс почта харажатларининг миқдори тўғрисида маълумот олиш мақсадида судга мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Судга “Адолат” ахборот тизимлари комплекси орқали электрон мурожаат қилинганда керакли почта харажатлари миқдори автоматик тарзда кўрсатилади. Лекин, аризани қоғоз кўринишида топширмоқчи бўлганлар барибир шу муаммога дуч келади. Ахборот тизимидаги узилишлар, инсон омили ва бошқа сабаблар муаммони янада чуқурлаштиради. Масалан, ахборот тизимлари комплексида электрон ариза юборишда почта харажатлари миқдори раёсат қарорига зид равишда базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз фоизи миқдоридан белгиланган.

Олий суднинг олдинги олд.суд.уз эски сайтида почта харажатларининг миқдори тўғрисида аниқ маълумотлар берилган бўлиб, бироқ, янги суд.уз сайтида бу ҳақида маълумотлар мавжуд эмас.

Судга мурожаат қилувчи шахслар етарли маълумотга эга эмаслиги натижасида, жумладан, почта харажатларининг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорига боғлаб қўйилганидан беҳабарликлари натижасида, ҳар сафар базавий ҳисоблаш миқдори оширилганда олдинги миқдорда почта харажатлари тўланиб ариза қайтарилишига сабаб бўлади.

ИПК 155-моддаси 6-бандида почта харажатлари етарли миқдорда тўланмаганлиги даъво аризасини қайтаришга сабаб бўлиши белгиланганлиги сабабли судга ариза тақдим қилишда тарафларнинг оворагарчиликларини олдини олиш мақсадида мазкур камчиликларни бартараф қилиш лозим бўлади.

Масалан, почта харажатлари миқдорини ИПК 116-моддасида базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизи миқдоридан қатъий миқдорда ўрнатиш лозим ва почта харажатлари миқдорини белгилаш ваколатини судлардан олиб қўйиш лозим.

Почта харажатлари миқдорининг норматив ҳужжат билан қатъий миқдорда белгиланиши почта харажатларининг ўзгармас миқдорини яратади. Тарафлар учун ҳам бу бир қатор қулайликларни яратади. Сабаби Раёсат қарорларини олишдан кўра норматив ҳужжатларни олиш осонроқ, шунингдек, кодекслар барча юриспруденцияга ихтисослашган таълим муассасаларида ўқитилади.

Судга мурожаат қилувчилар кўпинча суддан давлат божи миқдорларидан кўра почта харажатларининг миқдорларини сўрайди. Сабаби давлат божи суммаси ҳисоб-китоби норматив ҳужжатлар билан белгиланганлиги сабабли тарафларда у қадар муаммо туғдирмайди. Почта харажатлари эса қандай асосга ёки қайси раёсат қарорига асосан белгиланганлигини еса аксарият суд ходимлари ҳам билмайди.

Суд амалиётида баъзида почта харажатларини хатолик оқибатида белгиланган миқдоридан ортиқча тўлаш ҳолатлари ҳам учраб туради. Муаммонинг моҳияти шундаки, ИПКнинг 115-моддасида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда давлат божи қайтарилиши лозимлиги, давлат божини тўлиқ ёки қисман қайтариш учун асос бўладиган ҳолатлар суд ҳужжатида кўрсатилиши, давлат божи тўланган, лекин судга келиб тушмаган ёки ушбу суд қайтарган даъво аризалари (аризалар), апелляция, кассация ва тафтиш шикоятлари бўйича ҳамда давлат божини тўлиқ ёки қисман қайтариш назарда тутилган суд ҳужжатлари бўйича давлат божини қайтариш суд томонидан берилган маълумотнома асосида амалга оширилиши кўрсатилган.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасида ҳам давлат божи қонунчиликда талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланганида, суд даъво аризасини (аризани, шикоятни) қайтарганда ёки қабул қилишни рад этганда, шунингдек нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этганда; апелляция, кассация ва назорат шикояти қайтарилганда ёки уни қабул қилиш рад этилганда; давлат божи тўланган даъво аризаси (ариза, шикоят) ёки апелляция, кассация ва назорат шикояти судга келиб тушмаганда агар иш судга тааллуқли бўлмаса, ишни юритиш тугатилганда, суднинг ёки ҳакамлик судининг иш юритувида айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда, агар тарафлар ўртасида низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш тўғрисида ҳакамлик битими тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда, агар тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда, ишда иштирок етган шахс вафот этганида, агар низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса, даъвогар низони судга қадар ҳал этиш (ёътироз билдириш) тартибига риоя этмаганда, агар бу ҳол қонунда ушбу тоифадаги низолар учун ёки тарафларнинг шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бой берилган бўлса, агар ишда иштирок этаётган юридик шахс тугатилган бўлса, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилганда давлат божи қайтарилиши белгиланган.

Яъни, почта харажатларини қайтариш тартиби на ИПКда ва на давлат божи тўғрисидаги қонунда назарда тутилмаган. Шу сабабли судьяларда бундай ваколат бўлмаса-да, улар томонидан ортиқча тўланган почта харажатларини қайтариб бериш ҳолатлари мавжуд. Баъзи ҳолатларда эса судьялар томонидан ортиқча тўланган почта харажатлари қайтариб берилмайди.

Ортиқча тўланган почта харажатларини қайтариб берилишини ҳам, қайтариб берилмаслигини ҳам тўғри деб ҳисоблашимиз мумкин. Почта харажатлари қайтариб берилган ҳолатларда қонун аналоги бўйича қўлланган

деган хулосага келишимиз мумкин. Почта харажатлари қайтариб берилмаган ҳолатларда эса почта харажатларини қайтариб бериш асослари мавжуд эмас деган хулосага келишимиз мумкин. Иккала ҳолатда ҳам мазкур қонунчиликдаги бўшлиқ почта харажатларини қайтариш масаласи судянинг ихтиёрида қолишига ва турли хил суд амалиёти шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, даъво кўрмасдан қолдирилиб давлат божи қайтариладиган вазиятларда қолган суд харажатлари тарафлардан ундирилиши ёки ундирилмаслиги масаласи очиклигича қолмоқда. Ва бу ўз навбатида турли суд авалиёти шаклланишига сабаб бўлмоқда. Айниқса медиатив келишув тузилганида суд харажатларини тақсимлашда чалкашликлар юзага келмоқда.

Шу сабабли, ИПК 115-моддасига давлат божи билан бир қаторда почта харажатларини ҳам қайтариш тартибини киритиш лозим. Шунда почта харажатларини қайтаришга ҳуқуқий асос яратилиб, бир хил суд амалиёти шаклланишига сабаб бўлади.

РС-59-18-сонли Раёсат қарорида почта харажатлари суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилинганда, бошқа барча ишлар бўйича ариза, даъво аризаси ва суд ҳужжатлари янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилинганда ҳамда суд ҳужжатлари устидан апелляция, кассация ва тафтиш тартибида шикоятлар берилганда тўланиши белгиланган. Қайси ҳолатларда почта харажатлари тўланиши ва ундирилиши норматив ҳужжат билан эмас балки раёсат қарори билан тартибга солинганлиги юқорида келтирилган почта харажатларининг миқдори билан юзага келаётган муаммоларни келтириб чиқаради.

Раёсат қарорида аниқ тўртта ҳолатда почта харажатлари тўланиши лозимлиги белгиланган бўлса-да, амалда баъзи судларда барча аризалар бўйича почта харажатлари тўланиши талаб қилинади, баъзиларида эса талаб қилинмайди.

ИПК 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади. Бу норма даъво ёки суд буйруғи бериш билан боғлиқ ишларга тааллуқли бўлиб, суд ҳужжатининг дубликатини бериш, суд ҳужжатини қайтарма ижро қилиш ва шу каби иш биринчи инстанция судида мазмунан кўриб чиқилгандан сўнг иш бўйича келиб тушган ариза ва мурожаатларга нисбатан қўлланилмайди. Бу ўз навбатида мазкур турдаги аризалар кўриб чиқилганда тўланган суд харажатларининг ундирилиши билан боғлиқ чалкашликларни келтириб чиқаради.

Бу эса ўз навбатида турли суд амалиёти шаклланишига ва баъзи ҳолатларда суд харажатлари ундирилишига ва баъзи ҳолатларда ундирилмаслигига сабаб бўлмоқда. Бу каби муаммоларни олдини олиш

мақсадида почта харажатлари ундирилиши лозим бўлган аризаларнинг аниқ рўйхатини, суд харажатлари ундириладиган аниқ аризалар рўйхатини норматив ҳужжат билан белгилаб қўйиш лозим.

Почта харажатлари ундирилиши лозим бўлган аризаларнинг аниқ рўйхати, тўлашдан озод қилиш тартиби ёки бошқа масалалар норматив ҳужжат билан тартибга солинмаганлиги бу масалаларни тартибга солишни судларнинг ихтиёрида қолдирмоқда. Масалан, почта харажатларини тўлашдан ҳеч ким озод қилинмагани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги 36-сонли “Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарори билан суд бошқарувчилари судга ариза тақдим қилишда почта харажатларини тўлашдан озод қилиниб келинган. Мазкур Пленум қарорига киритилган охириги ўзгартиришларга кўра мазкур имтиёз бекор қилинди.

Суд бошқарувчилари узоқ муддатдан буён фойдаланиб келган бу имтиёз имтиёзларнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид эди. Бироқ, почта харажатларини тўлаш тартиби норматив ҳужжатларда белгиланмаганлиги сабабли юзага келган бўшлиқ норматив ҳужжат кучига эга бўлмаган Пленум қарори билан тўлдирилган эди.

Юқорида келтирилган муаммолар видеоконференцалоқа харажатларини тўлаш билан ҳам юзага келади. Бироқ, видеоконференцалоқа харажатларини ариза тақдим қилиш пайтида тўлаш мажбурий эмаслиги, иш мазмунан кўриб чиқилгандан сўнг ундириш тартиби ўрнатилганлиги, тўламаслик даъво аризасини қайтаришга сабаб бўлмаслиги сабабли почта харажатларичалик актуал эмас.

Лекин, тарафларнинг сарсонгарчилигини олдини олиш мақсадида ишни видеоконференцалоқа режимида кўриб чиқишнинг аниқ асосларини ишлаб чиқиш, почта харажатларини тўлаш, қайтариш билан боғлиқ билдирилган таклифларни видеоконференцалоқа харажатларига нисбатан ҳам қўллаш лозим.

Почта харажатларини тўлаш ва ундириш билан боғлиқ яна бир муаммо даъво аризалари қайтарилганда ёки қабул қилиш рад қилинганда тўланган почта харажатларининг тақдири очиқ қолаётганидир. Масалан, суд даъво аризасини қайтарса даъвогар почта харажатлари билан умумий тартибда такроран судга мурожаат қилиши мумкин. Бунда почта харажатларидан фойдаланилмаган ҳисобланади ва уч йил ичида судга тақдим қилиниши мумкин. Бироқ, айтишча почта тўлови билан неча маротабагача судга мурожаат қилиши мумкинлигида чеклов ўрнатилмаган. Масалан, суд амалиётида даъвогар ўн маротаба судга ариза тақдим қилса ва ариза ўн маротаба қайтарилса, ҳар сафар битта почта тўлови тақдим қилинса ҳам ундан фойдаланилмаган ҳисобланилади. Суд эса ҳар сафар ажрим ва иш ҳужжатларини юбориш учун харажат қилаверади. Шу сабабли,

даво аризалари қайтарилганда, қабул қилиш рад қилинганда тақдим қилинган почта харажатларининг қайта фойдаланилишини кўриб чиқиш лозим.

V. Хулоса

Юқорида келтирилган камчиликларни қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш орқали бартараф қилиш мумкин бўлиб, бу орқали тадбиркорлик субъектларининг суд орқали ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш осонлашади. Ортиқча сарсонгарчиликларнинг олди олиниб, тадбиркорлик субъектларига қўшимча рағбатлар пайдо бўлади ҳамда одил суд тизимига бўлган ишончлари янада ошади.

VI. Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/>;
2. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий Процессуал Кодекси, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/>.